# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2005-yil, 29-aprel • № 18 (3795)


O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

# ДИЁР ОҲАНГЛАРИ

**Миллий қадриятларни эъзозлаш руҳи билан суғорилган «Диёр оҳанглари» Республика телевизион фестивали бошланди.**

**Мазкур фестивал ҳақида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Ўрозали ТОШМАТОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

— Шу йилнинг апрел ойидан бошлаб республикамизда иқтидорли ҳаваскорларни излаб топиш, уларнинг ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида вазирлигимиз телерадиокомпания билан ҳамкорликда фестивални бошлаб юборди. Шу йилнинг октябр ойигача давом этадиган телефестивалда янги яратилган куй-қўшиқ ва рақслар, урф-одатларимиз талқинларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур тадбирнинг бошқа шунга ўхшаш фестивallардан фарқи шундаки, вилоятлар чиқишлари телевидение орқали намойиш этилиб, дастурлар 50 фоиз ҳакамлар ҳайъати, 50 фоиз телетомошабинларнинг таклиф-истаклари битилган мактублар, телефон орқали билдиришган фикр-мулоҳазалари асосида баҳоланади.

Ижролар жонли бўлиши шарт. Ҳозирда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари фестивални бошлаб бердилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилояти Қашқадарё вилоятига нисбатан яхши тайёргарлик кўрган, уларни барча чиқишларида воҳага хос миллийлик нафаси уфуриб турибди. Дастурни ёзиб олиш ҳам осонроқ кечди. Иккала вилоятда қадимий чолғулардан фойдаланиб, ўзига хос дастурлар тайёрлангани диққатга сазовор. «Сурхон наволари» номли воҳа фолклори чиқишида 73 ёшли Абдурашид бобо Нодировнинг сибизға оҳангларини замонавий оркестр усулига мослаштириб етказа олгани жуда маъқул бўлди. Юлдузхон Хурсандова исмли ёш қизни қўшиқчилик санъатида кашф этдик, десам муболаға бўлмайди.

Қашқадарё вилоятида ҳам кўпгина эътиборли ижроларни кўрдик. Ширали овоз соҳиби, Чироқчи тумани маданият уйи қатнашчиси 55 ёшли Қўчқор ака Қурбоновнинг янграган кучли овози кўпчиликни лол қолдирди, «Лола» боғча ва мактаб мажмуаси қошидаги болалар фолклор ансамблининг ижроси вилоятда ёшларга миллий анъаналаримизни сингдириш борасида катта ҳаракат бўлаётганидан далолатдир.

Май ойида Наманган ва Тошкент вилоятлари талантлари телефестивални давом эттирадилар.



# ЎЗИМИЗНИ АСРАГАНДЕК...

1966 йили Тошкентда кучли ер силкиниши юз берганида Бойқўнғирда ҳарбий хизматни ўтаётган эдим. «Кучли зилзила туфайли кўплаб иморатлар, уй-жойлар вайрон бўлди, қурбон бўлганлар, жароҳатланганлар бор...» деган қайғули хабар бир зумда бутун дунёга ёйилди. Тошкентлик қуролдошларимиз уй билан боғланишга қанчалик уринмасинлар, бир неча кунгача бунинг иложи бўлмади. Ўшанда, ёшлиги Ўзбекистонда ўтган, ўз таъбири билан айтганда, «Тошкентнинг нон-тузини еб катта бўлган» кекса зобитлардан бири «Ҳа, шаҳар энди бошқатдан тикланади, эски «кибиткалар» ўрнида янги, замонавий иморатлар қад ростлайди. Аммо... бу энди бутунлай бошқача Тошкент бўлади-да...» деган эди.

Бу воқеага қадар мен Тошкентда фақат бир марта бўлган эдим, холос. Ва, табиийки, кекса зобитга шаҳарнинг тамомила янгидан қурилиши нега ёқмаётгани сабабини англашга қодир эмасдим.

Ҳарбий хизматни тугаллаб, ўқишга келдик. Дастлабки турар жойимиз «Алоқа» бекати биқинидаги «Қуёш» кўчасида бўлди. Ҳайҳотдай сермева ҳовли четидаги икки хонали уйда тўрт киши яшаймиз. Бўш вақтлари уй эгаларининг баъзи юмушларига қарашамиз. Ҳовлида беш-олти туп олма (иккитаси эртапишар), уч-тўрт туп ўрик, бир туп тут ва яна — гилос, олхўри, узум бор. Май ойидан бошлаб мевалар бирин-кетин таъмга кира бошлайди.

Кейинроқ шу яқин-атрофдаги бошқа бир ҳовлига кўчиб ўтдик. У ерда ҳам деярли шундай: бир туп тут, бир туп ўрик, олма, гилос... Ўқишни тугаллагунча бунақа мевали ҳовлилардан яна бир нечасида яшадик, ҳамма жойда деярли бир хил манзара.

*Муҳаррир минбари*

Ўшанда бир нарсага эътибор бергандим — ҳовлида мевали дарахтнинг бўлиши узоқ йиллар давомида шаклланган Тошкентча турмуш тарзининг бир кўриниши эди.

Пойтахтни шўролар мафкураси талабларига мос равишда қайта қуриш жараёни саксонинчи йиллар охирларига қадар давом этди. Шаҳар марказида, чор-атрофларида қаватли бетон уйлар ҳаддан ташқари кўп қурилди. Янги-янги уй-жой массивлари, «йўлдош шаҳарчалар» пайдо бўлди ва бу нарса жамики ҳисоботларда, матбуотда халқлар дўстлигининг улкан ғалабаси, тошкентликларга буюк мурувват сифатида талқин этилди. Шошма-шошарлик билан қуриб ташланган бу уйлар, маъмурий бинолар, афсуски, маҳаллий шароитга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзига мутлақо мос эмасди. Уларни оддий урф-одатларимиз, диний, маънавий қадриятларимиздан мутлақо бехабар кишилар лойиҳалаштирган эди.

Мустақилликнинг дастлабки қадамлариданоқ бошқа соҳалар қатори уй-жой қурилиши, шаҳарсозликка ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу борадаги қадимий, синовлардан ўтган анъаналаримиз тиклана бошланди. Одамлар ўзларига маъқул, қулай, яшаса, меҳмон кутса, бола-чақа тарбияласа бўладиган, кейинги авлодларга мерос қилиб қолдиришга арзирли уй-жой қуришни бошлаб юбордилар. Ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда халқнинг бу табиий хоҳиш-иродасига изн ва имкон берилди. Фақат Тошкент, Самарқанд ёки Андижон эмас, бутун юрт, бутун мамлакат замонага ҳамоҳанг равишда миллий қиёфага қайтиш майдонига айланди.

Кичик бир мақолада мустақиллик йиллари давлатимиз раҳбари ташаббуси, халқнинг куч-ғайрати билан бунёд этилган, бунёд этилаётган жамики иморатларни, салобати асрларга татигулик иншоотларни, йўлларни, саноат корхоналарини санаб ўтиш қийин. Бунга ҳожат ҳам йўқ. Гап истиқлол туфайли инсон бўлиб, инсондек яшай бошлаганимизда, ўз уйимизни ўзимиз қураётганимизда, мустақиллик бизга мана шундай кўнгил ҳаловатини ҳам инъом этганида.

Бугун мамлакат пойтахтининг кенг ва чароғон кўчаларида, муаззам иморатларида, боғ ва хиёбонлари тароватида, маҳаллаларда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ўзаро уйғун бўлиб, бир-бирини тўлдириб турибди. Тошкент дунёнинг йирик сиёсий марказларидан бирига айланиб бормоқда. Собиқ иттифоқ нураганида, унинг пойтахтидан туриб «Энди бутун Ўрта Осиё масжидлар салтанатига айланади, ўрта аср хурофотига қайтади ва бу ерда муаззинларнинг мудроқ, ҳазин овозлари узлуксиз янграб туради», дея башорат қилган кимсалар бугун тилларини, ҳурмат билан айтганда, қаерга беркитишни билмай қолган бўлсалар ажаб эмас.

Тошкентда яшаш ҳар биримиз учун буюк ғурурга айланди, десам, муболаға бўлмас. Аммо яшаш учун биргина ғурурнинг ўзи кифоя эмас-да. Энг аввало, Тошкентни севмоқ, Тошкентни тушунмоқ керак! Ҳаммамизга бахт, ҳаловат улашиши лозим бўлган ва бу ишни баҳоли қудрат бажариб келаётган бу қадим тупроқнинг ўзи ҳам ўзимиз каби, меҳрга, мурувватга муҳтож эканлигини англаш лозим. Шаҳарнинг парваришга, малҳамга муҳтож жойлари, ўйламай-нетмай қуриб ташланган иморатлари, чала қолиб кетган қурилишлари кўп. Ўраб олиш, қўшиб олиш, сув йўлларини кўмиб юбориш, дуч келган жойга тижорат дўкони, ошхона қуриб олиш каби ўзбошимчаликлар бисёр. Таъбир жоиз бўлса, шаҳар юрагининг ҳар дукурини тингламоқ, эҳтиёжини сезмоқ зарур. Шу маънода, унинг ҳар бир иморати, дов-дарахти, осори-атиқаси, йўлу йўлаклари, анҳору ариқлари ва яна — маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатлари, анъана ва маросимлари, ҳовлилари, сўрилари, мевали дарахтларигача эътиборимизда бўлмоғи даркор. Чунки бу шаҳар — шаҳаргина эмас, бош қўрғонимиз, тақдир қалъамиз, нон-тузимиз, ризқ-насибамиз ҳамдир. Шу жойда яшаймиз, шу жойда болаларимиз яшайди. Шу жойда... Баски, уни худди ўзимизни асрагандек асрайлик, худди ўзимизни авайлагандек авайлайлик, ёмон ниятларга йўлдош қилмайлик!

Президентимиз Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида таъкидлаганидек, шаҳарга доир барча ишларда тартиб-интизом бўлсин, қарорлар қабул қилишда бамаслаҳат иш тутилсин, бўлаётган ўзгаришлардан одамларни бохабар қилиб туриш ҳозирги даврнинг муҳим талаби сифатида одат тусига кирсин.

*Хотира*

# ЖАНГГОҲЛАРДА ҲАЛОК БЎЛГАН «ҚУЛОҚ»ЛАР

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли уруш тўғрисида, бу урушга Ўзбекистондан сафарбар қилинган юртдошларимиз ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Аммо 30-йилларда қулоқ қилиниб, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ва Сибирга сургун қилинган ўзбекистонликларнинг ўша юртлардан фронтга олиниб, жанггоҳларда кўрсатган жасоратларига доир аниқ маълумотлар ҳанузгача йўқ эди. Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари» (Тошкент, «Шарқ», 2001) асарида Украинанинг Херсон области, Голопристан, Скадовский, Каховский туманларидан урушга сафарбар қилинган ва жанггоҳларда ҳалок бўлган 162 нафар юртдошимиз ҳақида маълумотлар келтирилган. Рустамбек Шамсутдинов тадқиқотчи Алишер Мамажонов билан Ставропол ўлкасида илмий сафарда бўлиб, бу муҳим мавзу хусусида янада қимматли маълумотларни аниқлашга муваффақ бўлишди.

Маълумотларга кўра, иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистондан 1.433.230 киши ҳарбий хизматга чақирилган. Шулардан 263005 нафари ҳалок бўлган, 139670 киши бедарак йўқолган. Шўролар даврида нашр этилган 23 жилдлик «Хотира китоби»га эса «қулоқ» қилинганлар ва уларнинг фожиали тақдири тўғрисида маълумотлар киритилмаган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларида тахминан 200 минг оила, жами 930.221 нафар «қулоқ»лар бор эди. 1931 йил августида Шимолий Кавказга Бухоро округидан 613 оила (3820 киши), Самарқанд округидан 703 оила (3680 киши), Сурхондарё округидан 100 оила (482 киши), жами Ўзбекистон бўйича 1416 оила (7922 киши) сургун қилинган эди. 1941 йилнинг 1 январига келиб Шимолий Кавказда 336 ўзбек оиласи қолган. 1942-1943 йиллари ана шу оилалардан урушга ва меҳнат фронтига одамлар олинган.

Маълумки, урушгача ва урушнинг дастлабки даврида совет раҳбарияти «қулоқ»ларни армияга олмаган, давлат уларга ишонмаган, уларга қурол беришдан ҳайиққан. Ҳаттоки, 1940 йил 27 февралда Ишчи-деҳқон қизил армияси бош бошқармаси «меҳнат учун кўчириб келтирилганлар ва уларнинг фарзандлари қизил армия ва флотга чақирилмасин», деган махсус кўрсатма ҳам берган. Шу тариқа улар ҳар жиҳатдан таҳқирланган.

**Давоми иккинчи бетда.**

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига



# У ЎЗИ ЯРАТГАН ҲАЙКАЛДАЙ БАЛАНД!

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қанча доно, донишманд бўлса, шунча камтар, самимий инсон, буюк шахс эди; меҳр тўла қалбини чақнаб турган ёниқ кўзлари айтиб тургандай...

Эсласам, эрта баҳор кечга яқин Саид Аҳмад билан иккимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб кириш учун тавсия сўраб Ойбек домланинг уйига бордик. Бахтимизга домла уйда экан. Лекин дарвозани очиб ҳовлига қадам қўйганимизда ҳеч ким йўқдай туюлди, жимжитлик... Кейин маълум бўлишича ҳали сомоншувоқдан чиқмаган уй даҳлизига калишларимизни бемалол ечиб, чап қўлдаги эшикни секин, ийманиб тортганимизда овоз эшитилди:

— Ким?

— Биз, — дедик иккимиз баробар.

Ичкарига кирдик, салом-алик қилдик. Ойбек домла бир ўзи кўрпа ёйилган, кўрпача солинган танча четида елкасига қавилма телогрейка ташлаб ўтирарди. Танча устида қоғоз, сиёҳдон ва бир коса жийда, ручка қўлида, демак, ижод жараёни...

— Кечирасиз, бевақт келганга ўхшаймиз, — дедим узр айтгандай.

— Йўқ, йўқ! Яхши... Ҳозир Навоий ҳазратлари билан гаплашаётган эдим, ҳа, майли!.. — деб кулди домла. — Энди навбат сизларга... Қани, жийдадан олинглар, — деди яна тез-тез: бир сўзни айтиб бўлмасдан иккинчисига улаб, хижолат тортгандай: — Зарифа йўқ, ҳали ишдан келгани йўқ.

Саид Аҳмад аллақандай, лекин ўзига ярашиқ бир ҳазил қилганда, домла қотиб-қотиб кулди ва устма-уст яна:

— Яхши, яхши... — деди-да, қўлига қалам олиб, ҳар иккимизга оқ йўл тилади...

1944 йилнинг қутлуғ кунларидан бирида Туроб Тўла, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Қуддус Муҳаммадий, Саид Аҳмад ва каминани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўз бағрига олди.

**Давоми тўртинчи бетда.**

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Андижон Давлат университетининг мажлислар залида таниқли адиб, шоир, олим ва таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан ижодий учрашув бўлди. Учрашувни университет ректори С.Зайнобиддинов кириш сўзи билан очди:

— Андижонда туғилиб вояга етган, бугунги кунда халқимизнинг ардоқли адибларидан бирига айланган Муҳаммад Али ўзининг тарихий асарлари, хусусан, Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги романлари билан ўқувчилар меҳрини қозониб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом буюк тарихимизни янгидан идрок этиш ва ана шу тушунчани халқимиз онгига сингдириш ижодкорлар олдида турган шарафли вазифалардан эканлигини таъкидлади. Бу эса ёш авлодни тарбиялашда, унинг қалбига ифтихор туйғуларини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Адибнинг шу йўлда ёзилган «Машраб», «Гумбаздаги нур» достонлари, «Боқий дунё» шеърий романи, «Сарбадорлар» тарихий трилогияси, «Улуғ салтанат», «Абадий соғинчлар» тарихий романлари ўқувчиларнинг севимли асарларига айлангани бежиз эмас.

Учрашувда андижонлик адиб ва шоирлардан Қамчибек Кенжа, Хуршида, университет филология факултети декани ўринбосари Ҳ.Каримов ва бошқалар адибнинг серқирра ижоди ҳақида сўз юритдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўз ижодий режалари билан ўртоқлашди, йиғилганларни янги шеърларидан баҳраманд этиб, кўпдан-кўп саволларга жавоб берди.

Юнусобод туманидаги Лутфихоним Саримсоқова номли 86-мактабда улуғ адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлди.

Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Дилфуза Аъзамова кечани очар экан, устоз адибнинг ҳаёти ва ижоди ёш авлод учун ибрат мактаби эканлигини таъкидлади.

# ЭҲТИРОМ

Филология фанлари доктори Наим Каримов Ойбек ижоди ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев улуғ адибнинг сўз санъати борасидаги маҳорати, серқирра истеъдоди ҳақида сўз юритиб, унга бағишланган шеърларидан ўқиб беришди.

Мактаб ўқувчилари ижросидаги адабий-бадиий композиция барчада яхши таассурот қолдирди.

**Саида РАҲМОНОВА**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Айни кунларда Хитой Халқ республикасида шу йилнинг май ойида ўтадиган Ўзбекистон маданияти кунларига қизғин тайёргарлик бошланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлигида тадбирни ўтказиш учун ташкилий-ижодий гуруҳ тузилди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида маданият кунлари намойиш этиладиган катта дастур устида ижодий иш бошлаб юборилди. Мазкур тадбир бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев, сценарий муаллифи — Хуршид Даврон, саҳналаштирувчи режиссёр — Валижон Умаров.

Миллий куй-қўшиқлар ва гўзал рақслардан иборат концерт дастурида Ўзбекистон халқ артистлари М.Йўлчиева, З.Бойхонова, Ў.Саиджонов, А.Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ.Азимов, М.Дадабоева, Е.Тўхтаева, А.Ниёзметова, «Баҳор», «Тановар», «Ўзбекистон» рақс ансамбллари ва бир қанча ёш санъаткорлар иштирок этадилар.

Бундан ташқари, бадиий ва фото кўргазмалар ташкил этиш, босма нашрлар, буклетлар, реклама маҳсулотлари тайёрлаш ва бошқа ташкилий ишлар олиб борилялти.

# ПОЙТАХТ ТЕАТРИ НАМАНГАНДА

Шу кунларда Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари Наманган вилоятидаги жамоа хўжаликлари, ўқув масканларида мухлислари билан ижодий учрашувлар ўтказишмоқда. Театр жамоаси ўз репертуаридаги «Эски муҳаббат», «Аёллар салтанати» асарларини томошабинларга намойиш этмоқда. Ижодий учрашувларда Дилбархон Қосимова, Мадинахон Тўхтаева, Жумадулла Раметов ва Баҳодир Мирмақсудовларнинг чиқишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

**Зоҳида ПАРМОНОВА**

# БУГУНГИ СОНДА:


ЙЎЛЛАР РОСТЛИК ТОМОН БОРАДИ... 3

4 МИФ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁН

ДИДНИ БУЗИШГА ҲАҚҚИМИЗ БОРМИ? 5

6 ИНТЕРНЕТ КАФЕ: ФОЙДАСИ КЎПМИ ЁКИ ЗАРАРИ?



# ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2005 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна баҳоси сиз кутганингиздан анча арзон.

**Нашр кўрсаткичимиз — 222**

Мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш муассасаларида сизни кутиб туришибди.

***Обуна чекланмаган.***

***ЛОТЕРЕЯ ЎЙНАБ КАЙФИЯТИНГИЗ БУЗИЛГАНИДАН КЎРА, “ЎзАС”ни ЎҚИБ БОЙ БЎЛГАНИНГИЗ ЯХШИ!***



# ЖАНГГОҲЛАРДА ҲАЛОК БЎЛГАН «ҚУЛОҚ»ЛАР



**Боши биринчи бетда.**

***Уруш арафасида 16 ёшга тўлиб, паспорт олган «қулоқ» фарзандларини меҳнат сургунидан озод қилиш бошланди. Бироқ уруш бошланиши билан уларни озод қилиш тўхтатилди, бунга қадар озод қилинганлар эса яна аввалги сургун қилинган жойига рўйхатдан ўтиш учун ариза бера бошладилар. Чунки озод бўлган «қулоқ»лар бусиз ҳарбий хизматга чақирилмас ва фронтга жўнай олмас эдилар. Лагерлар бош бошқармаси (ГУЛАГ) сургун қилинганлар фарзандларини (немис ва финлардан ташқари) озод қилиш ва уларни комиссариатларда ҳисобга олишни тезлаштириш ҳақида жойларга кўрсатмалар жўнатишга мажбур бўлади.***

***Уруш арафасида Николо-Александровскдаги «қулоқ»лар меҳнат колониясида 4437 киши бўлган. Бу посёлка қарамоғидаги «Советский хлопкороб», «Заря Востока», «Вперёд», «Ворошилов», «Красный луч» колхозларида асосан ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, черкас миллатига мансуб кишилар ишлаган.***

***Уруш бошланиши билан Николо-Александровскдаги мактабни немис аскарлари ўзларига казарма қилиб олишади, ўқув қуролларини овқат пиширишда ёқилғи сифатида ишлатишади.***

***Николо-Александровск қишлоқ советидан урушга сафарбар қилинганлардан 167 киши жанггоҳларда ҳалок бўлган. Улар орасида ўзбеклар ҳам бор эди. Шунингдек, Ново-Романовка, Арзгир қишлоқларида яшаб, шу жойлардан фронтга олинган ва жангларда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг бир қанчаси ҳам аниқланди.***

***Қуйида Николо-Александровск, Ново-Романовка ва Арзгир қишлоқларида яшаб, шу ерлардан фронтга олинган ва жангларда ҳалок бўлган юртдошларимиздан 53 кишининг номлари эълон қилинмоқда. (Исм ва фамилиялар, жой номлари архив ҳужжатлари асосида ёзилди. — Муаллиф):***

**Алибердиев Рустам**, 1910 йилда туғилган. 1943 йил 14 мартда Ленинград областида ҳалок бўлган, Старорусский райони, Кнево қишлоғидаги қабристонда дафн қилинган.

**Аҳмедов Ҳасан**, 1909 йилда туғилган, 1942 йил 17 сентябрда Ленинград области, Личково станциясида ҳалок бўлган.

**Аҳмедов Турсун**, 1915 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган, 1942 йилда Арзгир РҲКдан армияга олинган, 1943 йилда бедарак йўқолган.

**Аҳметов И.Б.**, 1922 йилда туғилган, 1940 йили армияга чақирилган, 1943 йил 1 сентябрда Ленинград области Личково станциясида ҳалок бўлган.

**Бадмаев Нарон Бембаевич**, 1900 йилда туғилган, ўзбек. 1942 йили Левокум РҲКдан армияга олинган, лейтенант, Куропаткин шаҳридаги госпиталда 1942 йили 25 майда вафот этган.

**Бозоров Аҳмат**, 1915 йилда туғилган, 1941 йил Арзгир РҲКдан армияга олинган, 1942 йил 27 ноябрда Сталинград области, Городишенский районида ҳалок бўлган.

**Беганжаев Барра Авезович**, 1920 йилда Бухоро области, Қоракўл райони, Жумабозор қишлоғида туғилган, Николо-Александровск қишлоқ совети, «Советский хлопкороб» колхозидан 1942 йил 6 июлда армияга олинган, 1942 йил 17 сентябрда Ленинград области, Личково станциясида ҳалок бўлган.

**Бердиназаров Хазептай**, 1914 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан армияга олинган, оддий жангчи, 1943 йил 26 октябрда Могилев области, Староселп қишлоғида ҳалок бўлган.

**Дадашев (ҳужжатда Дадышев) Аних Юржалович**, 1916 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, сержант, 1942 йил 11 сентябрда Сталинград области Дубовский районида ҳалок бўлган.

**Дадтишев Ботир Ражабович**, 1907 йилда туғилган, Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, сержант, 1942 йил 9 сентябрда Сталинград области Дубовский районида ҳалок бўлган.

**Гулов Фатазин Назарович**, 1921 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан армияга олинган, сержант, 1942 йили 9 сентябрда Сталинград области, Дубовский райони, Томилино қишлоғида ҳалок бўлган.

**Зулфиқоров Зулфиқор Ҳожиевич**, 1919 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан армияга олинган, 1943 йил 17 майда ҳалок бўлган.

**Мавлонов Омон**, 1911 йилда туғилган, 1940 йили Левокум РҲКдан армияга олинган. Ленинград области, Лисковксий районидаги Язвише қишлоғи бaverfародарлар қабристонида дафн қилинган.

**Мавлонов Султон,** 1919 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган. 1944 йил 19 июлда Волинск области, Турийск районида ҳалок бўлган, Пшевала қишлоғидаги қабристонда дафн қилинган.

**Разақов Самад,** 1919 йилда Шофиркон районида туғилган. 1943 йилнинг 25 февралида Калинин области, Локнянский райони, Борки қишлоғида ҳалок бўлган.

**Расулов Астанакул**, 1924 йилда туғилган, Арзгир РҲКдан аскарликка олинган. 1943 йилнинг 28 февралида Калинин области, Локнянский райони, Погорелка қишлоғида ҳалок бўлган.

**Солиев Ўсман**, 1914 йили Вобкент райони, Рахнин қишлоғида туғилган, 1941 йили армияга олинган, 1942 йил 18 сентябрда Ленинград области, Личково қишлоғида ҳалок бўлган.

**Супихонов Усмон**, 1908 йили туғилган, 1941 йили армияга олинган. 1942 йил 6 декабрда Ленинград области, Старорусский райони, М.Дубовици қишлоғида ҳалок бўлган.

**Тўраев Юсуп Муҳамедович**, 1924 йилда туғилган, 1941 йили аскарликка олинган. Сталинград области, Дубовский райони, Томилино қишлоғида 1942 йил 9 сентябрда ҳалок бўлган.

**Тўрақулов Тўйчи**, 1920 йилда туғилган, 1941 йили аскарликка олинган, Ленинград области Личковский райони, Палцо қишлоғида 1942 йил 24 декабрда ҳалок бўлган.

**Турсунов Восит**, 1924 йилда туғилган, Ленинград области, Личково области, Личково станциясида 1942 йил 18 сентябрда ҳалок бўлган.

**Умаров Ғофур,** 1920 йили Каттақўрғон шаҳрида туғилган. 1942 йил 17 сентябрда Ленинград области, Личково станциясида бедарак йўқолган.

**Умаров Файзулла,** 1922 йилда туғилган. 1942 йил 18 октябрда ҳалок бўлган.

**Холниёзов Тожи Туронович,** 1921 йили Самарқанд области, Оқдарё райони, Кашталик қишлоғида туғилган. 1943 йил 28 июлда Абрамовское қишлоғида ҳалок бўлган.

**Худоёров Сафар,** 1913 йили туғилган. 1944 йил 17 февралда Ленинград области, Поддорский райони, Поддори қишлоғида ҳалок бўлган.

**Чориев Мамад,** 1922 йили туғилган. Краснодар ўлкаси, Қрим райони, Плавненский хуторида 1943 йил 26 майда ҳалок бўлган.

**Чўлиев Гулсин,** 1900 йили туғилган. 1942 йил 11 декабрда Сталинград области, Бекетовский райони, Ягодное қишлоғида ҳалок бўлган.

**Шодмонов Темур,** 1917 йилда туғилган. 1942 йил 26 сентябрда Калинин области, Ржевский райони, Митково қишлоғида ҳалок бўлган.

**Шодмонов Мардон,** 1918 йили туғилган. 1942 йил 10 декабрда Москва шаҳрида ҳалок бўлган, Преображенское қабристонида 148-қабрга дафн этилган.

**Шарифов Мирза,** 1905 йили туғилган. 1943 йил 23 февралда Ленинград области, Старорусский райони, Деревково қишлоғида ҳалок бўлган.

Николо-Александровск ва Ново-Романовск қишлоқларидан фронтга сафарбар этилганлар сафида тожиклар ва қозоқлар ҳам бўлган. Тожик қардошлардан **Тожиев Аббос Мохатсевич** (1920 йилда туғилган, 1941 йили Левокум РҲКдан аскарликка олинган, оддий аскар, 1941 йил 12 июлда бедарак йўқолган), **Мадаминов Ҳайдар Раҳмонович** (1923 йили Ленинобод шаҳрида туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, оддий аскар, 1942 йил 10 октябрда Смоленск области, Сошино қишлоғида ҳалок бўлган), **Мейбазаров Ҳамид** (1904 йили Тожикистонда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, оддий аскар, 1942 йили 18 сентябрда Ленинград области, Личково станциясида ҳалок бўлган), **Мелихатов Марбек** (1912 йили туғилган, Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, оддий аскар, 1942 йил 29 октябрда Ленинград области, Личковский райони, Белий Бор қишлоғида ҳалок бўлган), **Содиқов Нор Бўриевич** (1924 йили Душанба областида туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, оддий жангчи, 1941 йил 21 июлда ҳалок бўлган), **Сўпиев Воҳид Халикович** (1924 йили Тожикистоннинг Қўрғонтепа райони, Чипурек қишлоғида туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, 1943 йил 16 августида Смоленск области Пречистенский райони Отря қишлоғида ҳалок бўлган); қозоқ қардошлардан эса **Қодиров Файзилло** (1917 йилда туғилган, 1941 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, 1942 йил 13 сентябрда Ленинград области, Личковский райони Язвице қишлоғида ҳалок бўлган, шу жойда дафн этилган, 266-қабр), **Қўлдошев Аҳад** (1920 йилда туғилган, Арзгир РҲКдан 1940 йили аскарликка олинган, оддий жангчи, 1942 йил 17 февралда Ленинград области Личково қишлоғида бедарак йўқолган), **Рустамов Тўра** (1902 йилда туғилган, 1943 йили Арзгир РҲКдан аскарликка олинган, оддий аскар, 1944 йил 20 январда Калинин области, Ново-Сокольник райони, Никитино қишлоғида ҳалок бўлган).

Ўша Николо-Александровск қишлоғига яқин бўлган Арзгир районидан аскарликка чақирилиб, фронтларда ҳалок бўлган ўзбеклар ҳам аниқланди. Улар ҳақида ҳам маълумот келтиришни жоиз деб билдик.

**Авезов Ҳошим**, 1910 йилда туғилган. 1942 йилнинг 24 июнида Харков области, Боровский районида ҳалок бўлган, Фомино қишлоғида дафн этилган.

**Азизов Назир Азурович,** 1922 йилда туғилган. 1943 йил 19 мартда ҳалок бўлган. Краснодар ўлкаси Кримская станциясида дафн қилинган.

**Аҳмедов Фезот Имонкулович,** 1922 йилда туғилган. Калининград области, Ржевский район, Гяжлово қишлоғида 1942 йили ҳалок бўлган.

**Аллабердиев Авазберди,** 1908 йилда туғилган. 1942 йил 12 ноябрда бедарак йўқолган.

**Бойбеков Атий,** 1905 йилда туғилган. 1941 йили Левокум райони, Бургун-Маджари қишлоғидан аскарликка олинган, сержант, 1942 йил 24 июлда бедарак йўқолган.

**Бобобеков Абдусалом,** 1905 йили туғилган. 1942 йил 26 сентябрда Сталинград области Дубовский райони, Шимолий тепаликда ҳалок бўлган.

**Сидбатанов Шабан Ахтинович,** 1915 йилда туғилган. 1942 йил 1 майда ҳалок бўлган, француз қабристонига дафн қилинган.

**Тоиров Туван Испали,** 1903 йилда туғилган, Левокум райони, Величаево қишлоғидан 1941 йили аскарликка олинган. 1943 йил 26 февралда Курсак области, Солдатское қишлоғида ҳалок бўлган.

**Хасаев Малик Мустафоевич,** 1920 йилда туғилган, Левокум райони, Левокум қишлоғидан аскарликка олинган. 1943 йил 13 майда Краснодар ўлкаси, Черниченко хуторида ҳалок бўлган.

**Эргашев Мусо Бегматович,** 1912 йилда туғилган. 1943 йил 28 февралда Калинин области, Локнянский район, Погорелки қишлоғида ҳалок бўлган.

**Элтошев Сарон Элтошевич,** 1913 йилда туғилган. Левокум райони, Величаево қишлоғидан 1942 йили аскарликка олинган. 1944 йили 8 январда Кировоград области Петровское қишлоғида ҳалок бўлган.

**Аликулов Расул,** 1923 йилда Самарқанд области, Нарпай район, Қорасон қишлоғида туғилган, Арзгир РҲКдан армияга олинган, қизил аскар. 1942 йилда бедарак йўқолган.

**Хўжаев Жума,** 1912 йилда туғилган, Арзгир РҲКдан армияга олинган, 1943 йил 26 февралда ҳалок бўлган, Калинин области, Локнянский райони, Погорелки қишлоғида дафн қилинган.

Ўзбекистондан қизил армия сафига чақирилган ва Ставрополь ўлкасида фашистларга қарши курашда ҳалок бўлган ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар 2000 йилда нашр этилган «Воинские захоронения в Ставропольском крае» китобидан ҳам ўрин олган. Улар тўғрисида ҳам қисқача маълумотлар келтирамиз.

**Акбаров Мамад,** 1913 йилда Фарғона вилояти, Тошлоқ район ҳарбий комиссариати томонидан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда хизмат қилган, 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган. Орджоникидзе ўлкаси (ўша вақтда Ставрополь ўлкаси шу ном билан аталган — Р.Ш.), Курский райони, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Алтмишев Қурбонали,** (ҳужжатда Қўрғонали — Р.Ш.), 1921 йилда туғилган, 347-ўқчи дивизияда хизмат қилган, 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Амиров Умарали Амирович,** 1913 йилда ҳозирги Шаҳрихон туманида туғилган, 1942 йил 24 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Ага Батир хуторида дафн қилинган.

**Отахонов Абдураҳмон,** 1943 йили ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Киров райони, Полтавское қишлоғида дафн қилинган.

**Аҳмедов Авазбой,** 1916 йилда Фарғона вилояти, Киров районида туғилган, 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Аҳмедов Хотам,** 1913 йилда Фарғона области, Каганович районида туғилган. 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Стодерево станицасида дафн этилган.

**Бадалов Шораҳмат,** 1912 йилда Марғилон райони, Шегор тепа қишлоқ советида туғилган, 34-ўқчи дивизияда хизмат қилган, 1942 йилда 24 декабрда ҳалок бўлган, Ага Батир хуторида дафн қилинган.

**Бозоров Юсуп,** 1912 йилда Фарғона областида туғилган. 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Жумаев Раҳмон,** 1915 йил Фарғона райони, Каптархона қишлоғида туғилган. 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Жўрабоев Абдурасул,** 1916 йилда Андижон области, Балиқчи районида туғилган, 151-ўқчи дивизияда хизмат қилган, 1942 йил 3 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Тарский хуторида дафн қилинган.



**Деҳқонов Турсунбой,** 1920 йилда Тошкент области, Оҳангарон райони, Фрунзе қишлоқ советида туғилган. 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Қўчқоров Каримбой,** 1920 йилда Фарғона области, Киров райони, Тол қишлоғида туғилган. 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Зулфиқоров Эргашбой,** Ўзбекистоннинг Киров районидан армияга олинган. 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган. Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Қамбаров Турсунбой,** 347-ўқчи дивизияда хизмат қилган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Курский райони, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Қодиров Жўра,** 1904 йилда 271-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 1 февралда ҳалок бўлган. Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Курск станицасида дафн қилинган.

**Қодиров Азобжон**, Фарғона области, Каганович райони, Владимировское қишлоқ советида туғилган. 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Қодиров Шерали**, 1911 йилда туғилган, 1943 йил 4 январда ҳалок бўлган, Курский райони, Полтавское қишлоғида дафн қилинган.

**Қодиров Қулдошбой**, 1916 йилда Фарғона области, Каганович районида туғилган. 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Аппалонский райони, Советский қишлоғи қабристонида дафн қилинган.

**Казанов Бозорбой**, 1910 йилда Ўзбекистон ССР, Ўрганжи қишлоғида туғилган, Пахтакор РҲКдан армияга олинган, 151-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 3 январда ҳалок бўлган, Курский райони, Тарский хуторида дафн қилинган.

**Қорабоев Азиз**, 1913 йилда Фарғона области, Тошлоқ райони, Охунбобоев қишлоқ советида туғилган. 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Мадалиев Исмон**, (Усмон — Р.Ш.), 1913 йилда Фарғона области, Бағдод райони, Дурмачан қишлоқ советида туғилган. 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Мадумаров Мамарози**, 1912 йили Фарғона области, Қува районида туғилган. 1942 йил 27 декабрдаги жангда қаттиқ ярадор бўлиб вафот этган. Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Голюгалевская станицасида дафн қилинган.

**Маматкулов Мирзо Маҳмудович**, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 25 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Мамаев Тошпўлат**, 1915 йилда Қува районида туғилган, 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган. Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Маҳмудов Ҳаитбой**, 1910 йилда Андижон области, Хўжаобод райони, Найман қишлоғида туғилган, Хўжаобод РҲКдан армияга олинган, оддий аскар, 1943 йил 3 январда ҳалок бўлган.

**Майдажонов Абу**, Тошкент областида туғилган, Сирдарё РҲКдан армияга олинган, оддий аскар, 1943 йил 13 сентябрда (ЭГ № 5420) жароҳатдан вафот қилган, Ессентуки шаҳридаги қардошлик мозорида дафн қилинган, 1-стрелаж, 31-тартибли рақам.

**Меликўзиев Сотволди**, 1915 йилда Марғилон районидаги Ёзёвон қишлоғида туғилган, Марғилон РҲКдан армияга олинган, 63-отлиқ дивизия, 214-отлиқ полкда сержант, 1943 йил 12 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси Александровск қишлоғида дафн қилинган.

**Мирзалиев Нўъмон**, 1913 йилда Ўзбекистонда туғилган, 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 16 январда ҳалок бўлган, Ставрополь ўлкаси, Минералводи райони Нагутское қишлоғида, Утренняя Долина хуторида дафн қилинган.

**Ниёзов Абдуқодир**, 1913 йилда Фарғона области, Қува районида туғилган. Қува РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1942 йил 25 декабрда қаттиқ жароҳатдан вафот этган. Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Голюгаевская станицасида дафн қилинган.

**Нурматов Қўшақбой**, 1923 йилда Бағдод райони, Чинмадолин қишлоқ советида туғилган, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Парпиев Машъал**, 1915 йилда Андижон районида туғилган, 1943 йил 3 январда ҳалок бўлган, Курский райони, Тарский хуторида дафн қилинган.

**Раҳимов Умар**, 1912 йилда Тошлоқ райони, Охунбобоев қишлоқ советида туғилган. 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Раҳматов Олимжон**, Бағдод райони, Самарқанд қишлоқ советида туғилган, 1942 йил 23 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Раҳмонов Солижон**, 1913 йилда Фарғона области, Данғара қишлоқ советида туғилган, 1942 йил 20 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Рахмонов Рўзибой**, 1914 йилда Марғилон райони, Шамурсин қишлоғида туғилган, 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Рамазонов Ҳалим Йўлдошевич**, 1918 йилда Бухоро вилояти, Чахшихбан қишлоғида туғилган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Рустамов Абдураҳмон**, 1912 йилда Фарғона области, Молотов районида туғилган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Курский райони, Дидимкин хуторида дафн қилинган.

**Тошматов Мели**, 1912 йилда Қувада туғилган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Дидимкин хуторида дафн қилинган.

**Тешабоев Умрзоқ**, 1913 йилда Тошлоқ районида туғилган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Дидимкин хуторида дафн қилинган.

**Тўраев Турсунбой**, 1922 йилда Фарғона области, Отқори қишлоғида туғилган, 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Турдиев Исломжон**, 1915 йилда туғилган, Бағдод РҲКдан армияга олинган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Кизилово хуторида дафн қилинган.

**Тўрақулов Қодир Умарович**, Тошкент области, Ўрта Чирчиқ РҲКдан армияга олинган, 63-отлиқ дивизия, 214-отлиқ полкида қизил аскар, 1943 йил 12 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси Александровское қишлоғида дафн қилинган.

**Турғунбоев Қосим**, 1909 йилда Юқори Чирчиқ районида туғилган, 1943 йил 12 январда ҳалок бўлган, Алексакндровский райони, Саблинское қишлоғида дафн қилинган.

**Худойбердиев Қорабой**, 1913 йилда Бағдод районида туғилган, 1175-сапёр батальони, 343-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Апполонский райони, Советская станицасидаги қабристонга дафн қилинган.

**Зокиров Ҳалимжон**, Фарғона области, Тошлоқ РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 16 январда ҳалок бўлган, Ставрополь ўлка, Минералводи райони, Нагутское қишлоғида дафн қилинган.

**Жўраев Абдураҳмон**, Тошкент областидан армияга олинган, 140-танк бригадасида оддий аскар, 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Минералводи райони Утренняя долина хуторида дафн қилинган.

**Жиянов Иброҳим**, 1912 йилда Фарғона области, Бағдод райони, Партанчи қишлоғида туғилган, 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Солдан-Александровский райони, Михайловка қишлоғида дафн қилинган.

**Жумаев Бахтан**, 1907 йилда Фарғона области, Каганович районида туғилган. 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Орджоникидзе ўлкаси, Александровский райони, Михайловка қишлоғида дафн этилган.

**Шерматов Мамайжон**, 1912 йилда Фарғона области, Молотов РҲКдан армияга олинган, 1943 йил 8 январда ҳалок бўлган, Михайловка қишлоғида дафн қилинган.

**Тусматов Эшонбой**, 1914 йилда Фарғона области, Олтиариқ райони, Бодоқ қишлоқ советида туғилган, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 22 декабрда ҳалок бўлган. Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Усмонов Жўрабой**, Фарғона области, Каганович РҲКдан армияга олинган, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Кизилово хуторида дафн этилган.

**Усмонов Раҳимжон**, 1914 йилда туғилган, 151-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 3 январда ҳалок бўлган. Тарский хуторида дафн қилинган.

**Усмонов Тиркаш**, 1912 йилда Фарғона области, Олтиариқ районида туғилган, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 26 декабрда ҳалок бўлган. Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Холбеков Даврон**, 1913 йилда Фарғона областида туғилган, Каганович РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1943 йил 1 январда ҳалок бўлган, Кизилово хуторида дафн этилган.

**Хидиров Шерали**, 1913 йилда туғилган, 151-ўқчи дивизияда оддий аскар, 1942 йил 24 декабрда ҳалок бўлган, Курский райони, Ага Батир хуторида дафн этилган.

**Шарипов Ҳасанбой**, 1913 йилда туғилган. 1942 йил 1 январда ҳалок бўлган, Курский райони Левдинко хуторида дафн этилган.

**Эргашев Ҳасан**, 1915 йилда туғилган, Қўқон РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 22 декабрда Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Йўлдошев Каур**, 1915 йилда Фарғона области, Дмитров қишлоқ советида туғилган, Каганович РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 22 декабрда вафот этган. Стодерево станицасида дафн этилган.

**Йўлдошев Раух**, 223-ўқчи дивизияда қизил аскар, 1942 йил 22 декабрда Стодерево станицасида дафн қилинган.

**Йўлдошев Холбек**, 1912 йилда туғилган. Фарғона области, Куйбишев РҲКдан армияга олинган, 347-ўқчи дивизияда оддий жангчи, 1943 йил 1 январида ҳалок бўлган, Курский райони, Дидимкин хуторида дафн қилинган.

**Йўлдошев Холматжон**, 1914 йилда Фарғона областида туғилган, Каганович РҲКдан армияга олинган, 1942 йил 25 декабрда ҳалок бўлган, Стодерево станицасида дафн этилган.

Шундай қилиб, Шимолий Кавказ ўлкаси ҳудудида фашистларга қарши олиб борилган оғир, даҳшатли жангларда ҳалок бўлган ватандошларимизнинг номлари маълум бўлди. Курский район Стодерево станицасида — 24, Кизилово хуторида — 8, Дидимкин хуторида — 4, Тарский хуторида — 5, Галюгаевская хуторида — 2, Левдинкода — 1, Полтавскоеда — 1, Александровский райони Михайловка қишлоғида — 3, Александровск қишлоғида — 3, Утренняя долина хуторида — 2, Апполонский район Советская қишлоғида — 2, Ессентукида бир юртдошларимиз қабрлари устига ёдгорлик битилган.

Бу юртдошлар хотираси ўз ватанларида ҳам ёд этилиши лозим. Уларнинг табаррук номлари қўшимча равишда «Хотира китоби»дан, Мустақиллик майдонидаги хотира лавҳаларидан жой олиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**
**Андижон Давлат университети профессори,**
**Алишер МАМАЖОНОВ,**
**катта ўқитувчи**

# ХОЛАНИНГ «ҚАЙМОҒИ»

Ёнимга икки қўлида сумка кўтариб олган, ўрта яшар аёл келди. Бу аёлни кўп кўраман, сут-қатиқ сотади.

— Қизим, жуда ҳам мазали қаймоқларим бор. Арзонгинага бераман, олиб қолинг. Бугун бозорга кечроқ чиққанлигим учун ҳаммасини сотишга улгурмадим. Шугинани уйга қайтариб кетишга кўзим қиймаяпти, ҳарна болаларимнинг ризқи, — дея менга қаймоқ таклиф қилди.

Қаймоқ олиш ниятим йўқлигини айтдим. Талабаликда пулни тежаб ишлатмаса, бугун қаймоқ еб, эртага рўза тутиш ҳеч гапмас. Қаймоқчи хола бўлса, ҳа деб харидга қистарди. Хиралик қилавергани учун номига нархини сўраган бўлдим.

— От билан туя бўлардими? Эрталаб икки ярим мингдан сотган эдим. Сизга...

Унинг гаплари охиригача қулоғимга кирмади. Шошиб гапини бўлдим.

— Менда бунча пул йўқ. Яхшиси уйингизга олиб кета қолинг, эртага сотиб юборарсиз.

Хола менга тасалли берди.

— Майли қизим, талаба экансиз. Сизга бир ярим мингга бераман. Бир пайтлар менинг қизим ҳам талаба бўлган. Сизларнинг шароитингизни жуда яхши тушунаман.

Холага барибир қаймоқ олмаслигимни айтсамда, менга ёпишиб олиб, хиралик қилаверди. Онам қатори аёлнинг ёшгина қизга ялиниб туриши менга эриш туюлди. Балки нархини бир оз арзон сўрасам, кўнгли ўзидан қолиб нари кетар деган ўй билан «Минг сўмга берасизми», дедим.

Бу гапимни эшитган хола, ҳеч иккиланмай, — майли қизим, талаба экансиз. Дуо қилиб ерсиз, — деганча қаймоқни қўлимга тутқазди. Лафз қилиб қўйганим учун олишдан бошқа иложим йўқ эди.

Энди ростмана харидорга айланганим учун қаймоқнинг сифати билан қизиқа бошладим.

— Вой қизим. Ишонмаяпсизми, ўттиз беш йилдан бери тирикчилигим шу. Болаларимни шу йўл билан катта қилдим. Мана татиб кўринг.

Хола банканинг оғзини очиб, кўрсатди. Кўринишидан ойдай, ҳатто бармоғимни ботириб ялаб ҳам кўрдим, тузук. Холага ишонмагим учун хижолат бўлиб, дарҳол пулни узатдим.

У хайр-мазурни ҳам насия қилиб, мендан узоқлашди. Онам тенги аёлнинг кўнглини кўтарганимдан мамнун эдим...

Аммо уйга келгач, қаймоқнинг «миси» чиқди. Тепасига озгина қаймоқ, тагига эса ачиган қатиқ солиб қўйган экан хола тушмагур. Қулоғим тагида холанинг камоли ишонч билан айтган гаплари жаранглади. «Қизим ҳали дуо қилиб ейсиз».

Афсус дуо қилиб ейиш насиб этмаган экан. Лекин қарғаш ниятим ҳам йўқ. Бу ёғи сизнинг виждонингизга ҳавола. Сизни ростдан ҳам дуо қиламан, «Илоҳим, фақат дуо қилиб ейдиган қаймоқларни сотинг!»

**Назира БОЙМУРОДОВА**

*Бола кўзи билан...*

# УЗРО ДУНЁНИ ТАНИЯПТИ



## ҲАЙИНЧАК

Боғ-ҳовлида Узрога ҳайинчак ясаб бердим. Бошқа дарахтларнинг ости нотекис ёки гулзор бўлгани боис арқонни билакдек ёнғоқ шохига боғлашга тўғри келди. Биласиз, ёнғоқ шохи мўрт бўлади. Буни болалар билмайди. Хуллас, қўшни қиз Азиза Узрони шиддат билан тебрата бошлади. Мен, астароқ десам, Узро кўнмади. Охири: «Бурнинг билан йиқилсанг борми, пучуқ бўлиб қоласан», деб Узронинг бурнини эзиб кўрсатдим. У Азизага қаради, бирпас ўйланиб қолди. Сўнг: «Бурним қурбақанинг бурнига ўхшаб қоладими?» деди. — Ҳа, дедим.

Узро ҳайинчакдан аста сирғалиб тушди. «Азиза, энди сен ўтир, мен тебратаман, лекин аста-аста тебратаман», деди. У олижаноблик қилдими ёки дугонасининг қурбақага айланиб қолишидан қўрқдими, билмайман.

## «БУЗОҚНИНГ АДАСИ ҚАЕРДА?»

Бедазорда битта бузоқ билан иккита сигир ўтлаб юрган эди. Эгаси чинор соясида мудраб ўтирарди. «Ада, анави сигирнинг исми нима?» деб сўради Узро. «Кўпайсин бўлса керак», дедим. — «Сиз қайдан биласиз?» — «Сигирнинг эгасидан сўрадим». — «Аданг тўғри айтаяпти», деб у ҳам гапимни тасдиқлади.

— Анави бузоқ Кўпайсиннинг боласими? — деб фикрини давом эттирди Узро.

— Ҳа, боласи.

— Унинг исми нима?

— Диана бўлса керак. Эгаси яна тасдиқлади. Чунки сигир ҳам, боласи ҳам зотдор эди.

— Нариги сигир буларга ким бўлади?

— Наригиси бузоқнинг холаси.

— Адаси қайда?..

Мен молнинг эгасига ўгирилдим. У елка қисди. Уёғини ўзим тўқидим:

— Адаси бозорга кетган...

Узро бошқа савол бермади.

**Н.БОҚИЙ ёзиб олди.**



# ЧОЙХОНАДАГИ СУҲБАТ

**ТАНҚИДЧИ:** — Кейинги ҳафта ичида адабиётимиз майдонига бир гуруҳ ёшлар кириб келди. Бу яхши, албатта. Аммо уларнинг савияси қандай? Бизни худди шу масала ташвишга солаётир. Ижодкор ёшларимиз ҳануз сизнинг «Оқшом қоронғи бўлади» қиссангиз даражасида асар ярата олганлари йўқ.

**ЁЗУВЧИ:** — Кечирасиз, бир пайтлар қиссамни танқид қилгандингиз...

**ТАНҚИДЧИ:** — Мен буни атайлаб қилганим йўқ. Адабиётшунос Шамси Қамчиев билан мунозарага киришганмиз. У қиссангизни кўкларга кўтарганди. Мен эса аксинча қилдим. Модомики баҳс бўлгандан кейин қарама-қарши фикр айтиш керак-да.

**ЁЗУВЧИ:** — Тушунарли, демак, сиз билан бемалол суҳбатлашаверсак бўлар экан. Келинг, яхшиси, ёшлар прозасини бир таҳлил қилайлик.

**ТАНҚИДЧИ:** — Бўлмаса, гапни ёш носир Давлат ЖАВДАТнинг «Учрашув» ҳикоясидан бошлай қолайлик. Ҳикоя қаҳрамони бўлган йигит севгилисини соат тўртда учрашувга таклиф қилади. Қиз бу таклифга рози, албатта. Аммо гап бунда эмас. Ошиқ йигит ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўяди. Яъни иш вақтида учрашув уюштиради. Нормат ҲУРМАТ деган ёш ёзувчимиз эса ўйламай-нетмай «йўлак» сўзини «йўлка» тарзида ишлатган.

**ЁЗУВЧИ:** — Кечирасиз, «йўлак» сўзининг «йўлка» деган эквиваленти ҳам борку?!

**ТАНҚИДЧИ:** — Сиз масалага бир томонлама ёндошяпсиз. Сизнингча, «тилак» сўзини «тилка», «бўлак» сўзини «бўлка», «курак» сўзини «курка» тарзида ёзаверса бўлар экан-да?

**ЁЗУВЧИ:** — Бу томонини ўйламаган эканман. Сиз ҳақсиз, албатта.

**ТАНҚИДЧИ:** — Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллай билиш керак. «Ҳовли саҳнида икки бола «ҳаммопиш» ўйнаб ўтирарди. Шу пайт йўлнинг нариги чеккасига машина келиб тўхтади. Болаларига совға-салом олиб келаётган Қоравой ака машинадан тушди. Болалар бўлса уни кўриб «Ур-рей, адам келдилар!» деб чопқиллашди», дейилади бир ҳикояда. Ўқиб тепа сочим тикка бўлиб кетди. Қаёққа қараяпмиз ўзи? Йўлнинг нариги бетига болаларнинг чопқиллаб ўтиши кўча ҳаракати қоидаларига мутлақо зид-ку, ахир!

**ЁЗУВЧИ:** — «Ота ишдан қайтди» ҳикоясини назарда тутяпсиз чоғи?

**ТАНҚИДЧИ:** — Ҳа, ўша. Айрим ёш ёзувчилар ўз устиларида кам ишлайдилар. Адабиётдан бошқа фанларни унча билишмайди.

**ЁЗУВЧИ:** — Масалан?

**ТАНҚИДЧИ:** — Узоққа бориб ўтирмайлик-да, «Ўпқон» ҳажвиясини олиб қарайлик. «Омборда икки оёқли сичқонлар кўпайиб кетибди. Икки оёқли мушуклар, қаердасиз ўзи?!» деган жумла бор унда. Ёш ҳажвчи Карим САЛИМ наҳотки шу пайтгача мушук ва сичқонда тўрттадан оёқ бўлишини билмаса?! Демак, унинг зоология фани бўйича билими етарли эмас.

**ЁЗУВЧИ:** — Хулосангизни тан олган ҳолда шуни қўшимча қилишим мумкинки, ёш ҳажвчиларимиз шаблон образлардан қутула олмаётирлар.

**ТАНҚИДЧИ:** — Тўғри айтдингиз, чумолини қачонгача кўтар-кўтар қиламиз? Нима эмиш, меҳнаткаш, серғайрат эмиш. Тошбақа-чи? Нега уни лапашанг деб камситишимиз керак? Чумоли югурик эмиш. Хўш, чумоли қанча яшайдию, тошбақа қанча умр кўради?

**ЁЗУВЧИ:** — Нимасини айтасиз, яқинда бир ҳикоя ўқиб қолдим. Сарлавҳаси «Устахонада» эди чоғи. Ҳикоянинг бош қаҳрамони оддий токар йигит. У станогига суянганча хаёл суради. Аммо ён-верида негадир биронта ҳам детал кўзга ташланмайди. Деталсиз ҳикояни, билмадим, қандай баҳолаш мумкин?

**ТАНҚИДЧИ:** — Адабиёт назариясини пухта билмасликнинг оқибати. Ёш ижодкорларимиз ўз устларида қунт билан ишламайдилар. Хом-хатала асарини чиқариш учун баъзи ҳолларда таниш ахтаришади. Яқинда ҳузуримга башанг кийинган бир йигит келди. «Шунақа, шунақа, мен ёш ёзувчи фалончи бўламан. Асаримни чиқаришга ёрдам берсангиз», деди. Майли, қани ўша асарингизни келтиринг, дедим. «Ҳали ёзганимча йўқ. Сиз хўп десангиз, бўлди. Икки кун ичида гатоп қиламан», дейди.

**ЁЗУВЧИ:** — Йўғ-е! Ана, холос!!!

**ТАНҚИДЧИ:** —Ҳозирги ёшлар шунақа бўлиб бораётир. Бизнинг ўсмирлик давримизда мутлақо бошқача эди. Яна бир гап. Айрим ёш қаламкашларимиз ҳалигача алмисоқдан қолган фразеологик ибораларни қўллаб келаётирлар. Ахир, бузоқ бечорани қачонгача йўқ сомонхонага югуртириб юрамиз? Демоқчиманки, асарларда ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқат билан уйғунлашиб кетсин. Шу ўринда «Муҳаббатнинг туғилиши» ҳикоясини олиб қарайлик. «Интизор кўзлар бир зумгина тўқнашдилар. Атлас кўйлакли қиз йигитнинг қалбига лахча чўғ ташлади» деган, жумла бор. Таажжуб, қиз чўғни қаердан олди экан-а? Хонадонларимизда «зангори олов» порламоқда. Ҳикоя муаллифи эса воқелигимизни бузиб кўрсатган.

**ЁЗУВЧИ:** — Фикрингиз асосли. Ўйлайманки, бизнинг ушбу суҳбатимиз ёшлар учун катта сабоқ бўлади.

**ТАНҚИДЧИ:** — Бўлмаса, бундан буёғига қўлни қўлга бериб ишлайлик. Ёзувчи-танқидчи ҳамкорлиги кўп нарсага боғлиқ. Яхшиси, суҳбатларимизни кечқурун маҳалла чойхонасида давом эттирганимиз маъқул.

— Кетдик!

**Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ**

## ҚЎРҚАМАН

**Мен йўлбарсдан қўрқмайман,**
**Чумолидан қўрқаман.**
**Айбим не, эздинг? Деган**
**Саволидан қўрқаман.**

**Мен қиличдан қўрқмайман,**
**Тил тиғидан қўрқаман.**
**Дилга солган доғининг**
**Оғриғидан қўрқаман.**

**Мискинликдан қўрқмайман,**
**Бойиб кетсам, қўрқаман.**
**Тор кўприкда юк босиб,**
**Тойиб кетсам, қўрқаман.**

**Мен оз билсам қўрқмайман,**
**Кўпроқ билсам, қўрқаман.**
**Нафс раъйи деб илмни**
**Увол қилсам, қўрқаман.**

**Телбаликдан қўрқмайман,**
**Ақлимдан, воҳ, қўрқаман.**

**Ҳаддидан четга чиқса,**
**Олдимда чоҳ, қўрқаман.**

**Мурдадан мен қўрқмайман,**
**Мудроқлардан қўрқаман.**
**Марддан чиқмас ёмонлик**
**Қўрқоқлардан қўрқаман.**

**Ғофил: «қўрқма» деса ҳам,**
**Дам-сасидан қўрқаман.**
**Ҳақни ёд этмай, олган**
**Нафасидан қўрқаман.**

**Девдан қўрқмайман, дерман**
**Лекин зимдан қўрқаман.**
**Чунки дев ўз ичимда,**
**Мен ўзимдан қўрқаман.**

**Одамидан қўрқмайман,**
**Нокасликдан қўрқаман.**
**Қўрқит мени, Худойим**
**Қўрқмасликдан қўрқаман!**

**Фозил ЗОҲИД**



## Дунё — кенг...

### ТАНИШИНГ: ҚОР ОДАМ!

**Канадалик Бобби Кларкнинг уйига ҳар куни юзлаб одамлар ташриф буюради. Мақсад — видеотасмага туширилган сирли қор одамни бир кўриш. Гарчи тасмадаги қор одам туширилган тасвир атиги қирқ тўққиз секунд давом этса-да, уни кўрган маҳаллий аҳоли чинакамига қўрқув ва ҳаяжонга тушган. Бу ғаройиб жун босган маҳлуқни кўзи билан кўрган Б.Кларк эса қарийб миллий қаҳрамонга айланди.**

Унинг гувоҳлик беришича, қор одам якшанба куни тонг пайти Нелсон дарёси бўйида суратга туширилган. Б.Кларк ўзидан икки юз эллик метрлар чамаси нарида шаклан одамга ўхшаб кетадиган, жуда катта қора жасадни кўриб қолган ва дарҳол камерали уяли телефонини олиб, маҳлуқни тасвирга туширган. Видеотасвирда бўйи уч метрли баҳайбат қор одам икки оёқда қамишлар оралаб дарё бўйига яқинлашаётгани акс этган.

Кейин, афтидан, четдан ўзига қадалган нигоҳни пайқагандай ўгирилиб тўғри камерага тикилиб турган. Бироқ тасмада акс этган маҳлуқнинг юзи, орадаги масофа узоқлиги боис, тасвирда аниқ кўринмайди. Афсуски, тасвир шу жойида тугайди.

Бу қимматли кадрлар қор одамнинг мавжудлигига шубҳа билан қарайдиганларнинг гумонини йўққа чиқарди ва бу ҳодиса атрофидаги гап-сўзлар тагида асос борлигига ишонч ҳосил этади. Нелсон дарёси атрофида бундай мавжудотни маҳаллий аҳоли илгари ҳам учратган, бироқ тасвирга туширишга муваффақ бўлмаган эди. Табиийки, тасмадаги — одам тасвири дейдиганлар ҳам топилди.

Бобби Кларк эса кутилмаган бу учрашувдан ўтакаси ёрилгудай қўрққан ва ҳануз ҳаяжонини босолмаётганини уқтиради. У видеотасвирдан нусха кўчириб олишга, ҳатто телевизор экранидан фотосуратга туширишга ҳам ҳеч кимга рухсат бермаётир. Бироқ шунга қарамай, яқин-орада бу кадрларни кўриш имконияти туғилишига умид бор. CBS телеканали Б.Кларк кашфиёти билан қизиқаётир, у туширган тасвирдаги қор одам ҳаракатини секинлаштирилган вариантда катта қилиб кўрсатишни таклиф этди. Эҳтимол, бу шубҳа-гумонларни тарқатар.

Канаданинг Манитоба вилоятидаги қор одамни ўрганиш Маркази ходимларининг таъкидлашича, ўтган ўттиз йил мобайнида бу жойда қор одамни уч юз марта кўришган. Зоолог Бил Уоткинс эса, аксинча, мазкур вазиятни шарҳлаб, бу ҳудудда айиқлардан бошқа ҳайвонлар йўқлигини айтади. Агар қор одам бор деб фараз этилган тақдирда, улар битта-иккитадан кўп бўлиши керак. Боз устига, кимдир қор одамнинг ўлигини ёки суякларини кўриши лозим эди, дейди олим. Афтидан, у сирли қор одамнинг олдин топилган излари ҳақидаги хабарларни унутган кўринади.

### МАМОНТЛАРНИ ТИРИЛТИРИБ БЎЛАДИМИ?

**Мамонтлар қирилиб кетганидан бери ўн минглаб йил ўтди. Шунга қарамай япониялик тадқиқотчилар уларни ҳаётга қайтариш учун генетик материалларни излаб топишга киришишган. Бунинг учун улар музликлар қаърида эркак мамонтнинг сперматазоиди билан урғочи филни уруғлантиришни таклиф этишаётир. Шундан сўнг урғочи филнинг авлоди ҳам шу тариқа чатиштириб борилиши керак.**

Бундай жараён тахминан эллик йилча давом этиши ва натижада муз даврида кенг тарқалган, Сибир ва Шимолий Америка ҳудудларида яшаган жониворлар пайдо бўлиши эҳтимол тутилаётир. Олимлар фикрича, Сибир ҳудудидаги абадий музликлар қаърида тахминан ўн миллионтача мамонт ётибди.

Мазкур лойиҳа раҳбари Казуфими Готонинг таъкидлашича, агар «янги мамонт» яратилса, биз бу жониворларнинг қирилиб кетиши сабабини тушуниш имкониятига эга бўламиз. Бироқ тажрибанинг муваффақиятли амалга ошиши, унинг фикрича, биринчи навбатда, яхши сақланган мамонт қолдиғини топишга боғлиқ.

Ҳали тажриба бошланмай турибоқ, бузилмаган ДНКли мамонтларнинг сақланиб қолганига шубҳа билан қарайдиганларнинг овози баралла эшитила бошланди. Мамонтларни урчитиб кўпайтиришга эришилганда ҳам, барибир, улар яшаб қололмайди, чунки минглаб йиллар мобайнида Ер юзида ҳароратнинг исиб кетгани сабабли бир замонлар бундай жониворлар мослашган табиий муҳит аллақачон ўзгариб кетган.

Бироқ бу каби умидсиз фикрларга қарамай, япониялик олимлар ўз олдиларига қўйишган мақсаддан воз кечишмоқчи эмас.

Маълум бўлишича, мамонтларни тирилтириш ғояси анча вақтдан бери мавжуд экан. Бир пайтлар Сибирдан жуда яхши сақланган мамонтнинг қолдиғи топилиб, унга «Дима» деб ном беришган. Ўшанда олимлар мамонтларни қайта яратиш ҳақида ўйлай бошлашган. Бироқ ўша пайтда инсоният бугунгидагидек технологияларга эга бўлмаган. Бутунроссия телевидение академиясининг академиги, «Цивилизация» телекомпанияси раҳбари Лев Николаев япон олимларининг лойиҳаларини маъқуллаб, бу лойиҳа фанга зид эмаслигини, гарчи мамонтни тирилтиришга эришилмаган тақдирда ҳам, мазкур тажриба самарасиз кетмаслигини таъкидлайди.

## ЛОТЕРЕЯНИНГ ҚУВОНЧИ ВА АРМОНИ

**Меҳнатсиз ҳам бой бўлмоққа гапни буриб,**
**Осмондан бахт кутганларни қизиқтириб,**
**Қизиқчилар — гапга конлар, мақтар мени.**

**Ҳар мақтовга мўмайгина гонорар бор,**
**Шу туфайли экранларда такрор-такрор**
**Катта артист акахонлар мақтар мени.**

**Телевизордан сипофеъл боқиб турган,**
**Янгилигу қарорларни ўқиб юрган**
**Номи баланд сухандонлар мақтар мени.**

**Фақат, ҳамон юришибди сақлаб виқор,**
**Ё кўпиртириб гапиришдан қилармиор,**
**Қачон шоири замонлар мақтар мени?**

*Ҳажвия*

# РЕКЛАМА

Лотереядан ютиш қандай маза. Ҳар куни ойнаи жаҳонда кимнингдир ютиб олиб мақтаниб турганини кўрсам, юрагим орзиқиб кетади. Қани энди мен ҳам ўшаларга ўхшаб ютсам. Шу мақсадда ҳар куни томоқдан қисиб, битта-битта лотерея ўчириб юраман. Ҳозирча натижа йўқ. Мабодо ютиб қолсам-чи? Телевизорда нима деб мақтанишни ўйлаб кетаман. «Бу ҳақиқий ўйин экан! Отасига балли! Ютсангиз ишонар экансиз. Сиз ҳам ўчиринг ва ютинг!»

Омад кулгандан кейин хоҳлангхоҳламанг, таниган-танимаганинг ютуқ билан табриклайди. Майдалашмайман. Тўқсон килолик қора қўчқорни сўяман-у, ҳаммани бир кунда уйга чақириб, катта зиёфат бераман. Ҳар куни меҳмон кутишга вақт қайда. Хотиним ҳам шу фикрда.

Аслида лотереяга қизиқтирган ҳам ўша.

— Сиз ҳам мард бўлиб лотерея ўйнанг. Бизлар ҳам дўст-душманнинг кўзини ўйнатиб, телевизорга чиқиб, рекламачининг қўлидан «нексия»нинг калитини олиб, улар ўргатиб қўйган гапларни айтиб, машинага ўтирганча маҳаллага дабдаба билан кириб келайлик, — дейди икки гапининг бирида.

Ҳар куни нечта ўчирганимни унга келиб айтаман. Айтмасам ўзи сўрайди...

Ҳар ҳолда омадим келиб қолса, автобусга осилиб юрмасдимда. Ҳозир ҳам автобусда туртиниб-суртиниб ишдан қайтяпман. Автобус силкинганидан хаёлим бузилиб кетди. Олдинги ўриндиқда ўтирган кампирнинг ёнига иккинчиси келиб ўтирди.

— Йўл бўлсин эгачи, — деди биринчи кампир ҳозиргина тоғора кўтариб чиққан кампирга маъноли қараб, — тоғора кўтариб юрибсиз.

— Нимасини айтасиз, айланай, — деди иккинчиси ўзини елпиган бўлиб, — ўғлим «Қалтис ўйинчи» лотереясидан некса ютиб олибди. Ўшани ювдисига кетяпман.

Ҳар куни тилбузарда мошинани эгаси топилди, дейишса ишонмасдим. Мана, ўғлим ютиб, чиппа-чин ишондим. Ўчирса ютади-да, ўргилай.

— Вой, муборак бўлсин. Муборак бўлсин айланай, — деди иккинчи кампир овозини баралла қўйиб. Ҳамма уларга гур этиб қаради.

— Ютмаганлар ишонмайди, ишонмаганлар эса ютқазади.

— Шундай эгачи, шундай, — унинг гапини маъқуллади шериги.

— Мениям набирам бир ҳафта олдин, «Оқова» лотереясидан биратўла учта мошина ютиб олди. Бир ҳафтадан бери ювади бечора. Ҳозир ўша ердан қайтаяпман!

Кампирларга ҳавасим келди. Бирининг ўғли, иккинчисининг набираси мошина ютгандан кейин, бир қопдан семиради-да!

Бирдан ҳовлиқиб кетдим. Ҳозироқ тушиб, лотерея ўйнайман. Ютиб олсам, телевизорда «Бу ютуғимга иккита кампир сабаб бўлди», деб айтаман.

Шундай қилдим ҳам. Бекатда тушиб қолиб, бор пулимга лотерея сотиб олдим-у бир бошдан ҳафсала билан ўчира бошладим. Қани энди ютуқ чиқса. Фалон пулга сотиб олган элликта лотереядан ўттизтасини ўчириб бўлгач, қўлим қалтираб хавотирга туша бошладим.

Электр ҳақини тўлашга аталган пулга аҳмоқ бўлиб лотерея олиб ўтирибман-а. Улфатларимдан йиғиб олган пулни харж қилиб юборганимни хотиним билса кўчага ҳайдаши аниқ.

Шу ўйлар билан охирги лотереяни тирнай бошладим. Э воҳ, мошина тугул тошвақа ҳам чиқмади. Кўзим тиниб бошим айланди. Ўчириб бўлдиму ўзим ҳам ўчдим!

**Илҳом ЗОЙИР**



Жаҳонгир МИРЗО чизган суратлар.

# ИНТЕРНЕТ КАФЕ: ФОЙДАСИ КЎПМИ ЁКИ ЗАРАРИ?

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг шу йил 18 март сонида чоп этилган интернет кафелари ҳақидаги мақолани ўқиб чиқдим-у ташвишга тушдим. Наҳотки, ташқаридан беозор кўринган интернет кафелари ёшлар маънавиятини бузиши ва энг ёмони, «компютер васвасаси»га олиб келиши мумкин бўлса? Бир неча кун хаёлим шу фикрлар билан банд бўлди.

Мен ҳам деярли ҳар куни интернетдан, электрон почтадан фойдаланаман. Ахборот сайтлари орқали дунё янгиликлари билан танишаман, уларни бир-бирига қиёслайман, зарур адабиётлардан иқтибос оламан. Баъзан турли ўйинлар орқали ҳордиқ чиқараман. Агар уч-тўрт кун интернетга кирмасам, ўзимни ҳаммаёғи берк, эшик-деразаси йўқ хонада қолиб кетгандек ҳис этаман. Ҳаммаёқ зимистон, ташқарида нима гап, нима сўз — билмайсан. Менимча, бу интернет ёки компютер васвасаси эмас. Бу ахборотга бўлган оддий қизиқиш.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик. Агар сиз интернетдан доимий фойдалансангиз, ўз почтангизни текшириб, фикрингизни жамлаб жавоб ёзишга 15 дақиқа вақт кетади. Янгиликларни ўқиб, бошқа сайтлар билан қиёслаш учун яна 25 дақиқа кетсин. Керакли маълумотлар ёки адабиётларни топишга, борингки, 45 дақиқа вақтингизни сарфласангиз, ўрта ҳисобда бир ярим соат атрофида интернетда бўласиз. Энг арзон кафеларда шунча вақтга минг сўм атрофида ҳақ тўлайсиз. Табиий савол туғилади: 13-15 ёшдаги ўспирин ҳар куни шунча маблағни интернет учун сарфлай оладими?

Компютердан фойдаланиш бўйича мутахассисларнинг тавсиялари, халқаро меъёрлар мавжуд. Булар: компютерда ўйин ўйнаётганда зарур бўладиган хавфсизлик қоидалари, яъни бунга сарфланадиган вақт ўлчови. Бизда кенг тарқалган ўйинлар учун вақт меъёри мутахассислар томонидан 2 соат қилиб белгиланган. Бу муддат одам руҳиятига салбий таъсир ўтказмайди.

Хўш, энди интернет кафеларида туни билан мижжа қоқмай ўйин ўйнаб чиқаётган ўспиринларга келсак. Муттасил компютер олдида ўтириш, бу нафақат ўспирин йигит-қизлар, балки катталар учун ҳам хавфли. Тунда дам олмасдан, қоп-қоронғи хонада, бир ярим метр масофадаги тинимсиз равишда ўзгариб турадиган ёрқин экранга термилиш — бу одамнинг ўз жонига қасд қилишидай гап. Сурункали бундай зўриқиш, албатта инсон руҳиятини бузади. Нафақат асаб, балки бошқа хавфли касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Бунга мисоллар кўп. Масалан, бир йилча олдин Японияда 22 ёшар йигит тинимсиз 68 соат ўйин ўйнагани оқибатида қон таркибида лейкоцитлар ошиб кетиши натижасида нобуд бўлган эди. Ўспиринлар-ку билмас, лекин катталар — ота-оналаримизнинг бундай хавфни тушуниб етмаганлари ачинарли ҳол.




Интернет тизими, IBM ўйинлари инсонга ҳам маънавий, ҳам жисмоний зарар экан деб улардан воз кечиш керакми? Албатта, йўқ. Бунга яқин тарихдан мисоллар кўп. 50-йилларда вужудга келган телевидение 70 — 80-йилларда бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Одамлар телемания билан хасталанди, XXI асрга келиб телевидение театрни, радиони, матбуотни жамиятдан сиқиб чиқариши башорат қилинди. Замон бундай кечмади. Мана XXI асрдамиз. Театр ҳам жойида, радио каналлари сони кундан-кун ошиб бормоқда, матбуот ҳар доимгидай фаол (турли газеталар кўпайгандан кўпаймоқда). Телемания сўзи истеъмолдан чиқди, десак ҳам бўлади. Қисқаси, радио, телевидение, театр, матбуот — ҳаммаси жамиятда ўз ўрнига, ўз вазифасига эга. Шу жумладан, интернет тизими ҳам. У қулай, тезкор ахборот манбаидир. Турли ахборотлар, хабарлар, янгиликлар билан танишиш, адабиётлардан фойдаланиш ва бошқа афзалликларидан ташқари, ундаги ўйинларнинг ҳам фойдали томонлари кўп. Ўйинлар болани тезкор ва тинимсиз фикрлашга, ҳозиржавобликка ўргатади. «Интернет кафедаги болалар» мақоласида келтирилган «RedAlert» (Қизил алянс) ўйинини олайлик. Бу ўйин кўпроқ шахматни эслатади. Ўйинда чаққонлик ва куч эмас, балки ўйинчининг позицион ва ақл билан иш кўриши муҳимроқ ҳисобланади. Ўйин душманни йўқотиш асосига қурилган. Ўйинда танклар, пиёдалар, самолёт ва ҳарбий кемалар билан жанг қиласиз. Ҳозирда болалар орасида оммавий тус олган «Conter strike» ўйинини олайлик. Ўйиннинг турган-битгани зўравонлик, ваҳшийлик. Бу ўйинни ўспиринлар ҳам ўйнашини ҳисобга олсак, масала анча жиддий эканлиги маълум бўлади.

*Акс-садо*

Бизнингча, мақолада кўтарилган масалага бошқачароқ ёндашган маъқул. Ҳозирги тезкор замонамизда интернет-кафелар керак. Ҳамманинг ҳам уйида компютер йўқ экан, бундай кафеларга эҳтиёж бор. Фақат, ундан фойдаланиш маданиятини ўрганиш зарур. Белгиланган тартиб-қоидага қатъий амал қилиш шарт. Шундагина у бизга фойда келтиради.

Бунинг учун нима қилмоқ керак? Биринчи навбатда — меъёрга амал қилиш. Ота-оналар, аввало бола интернетнинг фойда-зарари, тартиб-қоидаларини билдириши лозим. Иккинчидан, 13-16 ёшли ўсмирни қайси ақлли ота-она эрталабгача кўчага қўйиб юборади?! Буни ҳам ўйлаш керак! Учинчидан, интернет кафеларда ваҳшийлик тарғиб қилинадиган ўйинларни ман этиш керакдир...

Шундагина компютер васвасасига ўрин қолмайди, интернет кафелар жамиятга фойда келтирадиган маърифий масканларга айланади.

**Шоҳруҳ ҚОСИМОВ**

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси таҳририяти «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири Беккул Эгамқуловга онаси **Малла ая УММАТОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 353. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Адади — 5280